

Хотирангиз ёмонлашаяптими? Мазкур дуони ўқинг.



20:27 / 22.08.2017 32327

Охирги пайтда кишиларда хотира пасайиши ва унутувчанликдан шикоятлар кўпайган. Бунга турли сабаблар келтирилади. Одамлар айбни турли нарсалар ва ҳатто атрофдаги кишиларга тўнкашга уринишади. Озчилик кишиларгина бунда ўз-ўзларини айблайдилар. Хотирани яхшилашнинг кўплаб воситалари бор, шу жумладан дуо-ю илтижолар билан. Бироқ у ёки бу дуони ўқиш кишига ўткир хотира қайтишининг гарови эмас. Бошқа барча ҳолатлардагидек, бундай талабнинг самимияти амал билан тасдиқланмоғи лозим. Робб таолонинг розилигини топишдан йироқ ҳаёт кечираётган бўлсангиз, нега энди сўровингиз дарҳол ижобат бўлади, деб ўйлайсиз? Яъники, хотира ёмонлашининг энг катта сабаби – кишининг Аллоҳ таоло рози бўлмаган амалларни қилаётгани бўлиши мумкин. Инчунин, инсон Аллоҳ таолонинг барча амрларини бажариб юриши ва тақво қилиши, бу – хотиранинг яхши бўлиши учун энг кучли омилдир.

Имом Шофеъи розияллоҳу анҳудан қуйидаги шеърни нақл қилишади:

«Устозимга шикоят этдим хотирам сустлашувидан,

Маъсиятдан четлашувни этди менга тавсия,

Хақиқат шул-ки, хотира – Роббимнинг раҳмати,

Раҳмат эса кўрсатилмас маъсиятчига».

Шунинг учун хотирани сақлаш ва яхшилаш учун кўзни, фикрни ва амалларни маъсиятдан қайтариш лозим бўлади. Ҳалолни истеъмол қилиш – хотирага таъсир этувчи кучли омилдир. Хотирани машқ қилдирмоқ ва яхши нарсаларни ўйламоқ ҳам муҳимдир. Қуръон ўқиш, намоз ва рўза – бу масалада яхши ўзгаришга эришишнинг кучли воситаларидир. Ҳақиқат шуки, Қуръонни мусҳафдан ўқиш хотирани кучайтиришнинг энг яхши усулидир. Қуръонни матндан ўқиш ёддан қироат этишдан афзалроқдир.

Бир куни Шаддод ибн Ҳаким розияллоҳу анҳу тушида марҳум акаларидан бирини кўрди ва сўради: «Нимани фойдалироқ деб топдинг?». У жавоб қилди: «Мусҳафдан Қуръонни қироат этишни».

Хотира ёмонлашуви шикоятчи ҳаммадан кўп толиби илмлардан тушади. Шунинг учун талаба қўлига китоб олиб, қуйидаги дуони ўқиши лозим:

لوح ال و ربك أوجلل ال و هلل دمحلل و هلل ناحبس و هلل مسب
دبأ بتكويو بتك فرح لك ددع مي لعلل زيزعلل مي طعلل يلعلل هللاب ال ةوق ال و
ني رهادلل ره و ني دب آلل

«Бисмиллаҳи ва субҳаналлоҳи ва л-ҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллаҳу валлоҳу Акбар, ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи л-Алиййил-‘Азимил-‘Азизил-‘Алим, ‘адада кулли ҳарфин кутиба ва юктабу абадал-абადиййина ва даҳра ддаҳирин».»

«Аллоҳ номи билан, ва У покдир, ва Унга ҳамд (бўлсин), ва ибодатга лойиқ Аллоҳдан бошқа йўқ, ва Аллоҳ буюкдир. Ва Аллоҳдан бошқада қудрат ва куч йўқдир, У Олийдир, Буюкдир, ҳар бир нарсага қодирдир ва ҳар бир нарсани – қадим-қадимдан ёзилган ва келажакда мангу ёзилажак ҳарфларни билувчидир».

Шу билан бирга ҳар бир намоздан сўнг

هوس امب ترفك و هل كيرش ال ه دحو قحلل دحلل دحاولا هللاب تنما

«Аманту биллаҳил-ваҳидил-аҳадил-ҳаққи, ла шарика лаҳу ва кафарту би-ма сиваҳу»

«Ягона, Ҳақ Аллоҳга иймон келтирдим, Унинг шериги йўқдир, ва Ундан бошқани рад этдим» дуосини ўқимоқ лозим.

Шу жумладан оламларга раҳмат бўлмиш Муҳаммад солаллоҳу алайҳи
вассаламга саловот айтиб юриш ҳам керак бўлади.

Мисвок ишлатиш, асал, шакарли босвеллия ва 21 дона кишмиш майизни
ҳар куни оч наҳорга истеъмол қилиш хотирани яхшилади ва ошкор ва
махфий кўплаб касалликларга даво бўлади. Шунингдек қуруқ нон,
қуритилган анжир ва шу каби танадаги балғамни камайтирувчи
махсулотларни истеъмол қилиш ҳам хотирани яхшилади.

Шокир Шарипов таржимаси